Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 25 ноябрь, шанба • № 93 (10.769) • Эркин нархда сотилади

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

23 ноябрь куни Австрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Вальтер Зигль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Элчи Ўзбекистон Президентига Австрия федерал президенти Томас Кресселнинг қизғин саломини етказар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Сизнинг 1992 йил сентябрда Австрияга ташрифингиз ўзаро муносабатлар ривожининг чўққисидир, — деди В. Зигль. — Австрия Ўзбекистон амалга ошираётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқда. Биз бу ислоҳотларнинг муваффақиятга эришиши ва Ўзбекистоннинг Европа тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши йўлида кўмаклашишга тайёрмиз. Мен элчи сифатида бу эзгу ишга ҳисса қўшишдан бахтиёрман.

Президент Ислом Каримов Вальтер Зиглни Ўзбекистон заминига ташрифи ва юксак вазифага тайинлангани билан самимий кутлади.

— Австрия Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилаётгани бизни қувонтиради, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Биз ҳам Австрия билан кўп томонлама алоқаларни тараққий эттириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов элчининг масъулиятли фаолиятида муваффақият тилаб, у Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар томонлама кўмагига таяниши мумкинлигини қайд этди.

***

Шу куни Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Тожиддин Мардонов ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Т. Мардонов Тожикистон раҳбарияти ва халқи қардош Ўзбекистон билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тарафдори эканини қайд этар экан, ўз мамлакатининг Ўзбекистондаги илк элчиси сифатида бу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш ниятидалигини айтди.

— Халқимиз бошига мушкул кунлар тушганида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Тожикистонга қаратганингизни ва бизга кўрсатаётган иқтисодий ёрдамингизни юксак қадрлаймиз, деди элчи. — Мен мамлакатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш, яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик барқарор бўлиши учун барча воситаларни ишга солишга тайёрман. Бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг хайрихоҳлиги ва кўмагига умид боғлашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Президенти элчини юксак ва масъулиятли вазифага киришгани билан қутлади.

— Тожикистонда рўй берган уруш бу мамлакатдаги барча соҳаларга салбий таъсир этди, — деди Ислом Каримов. — Бироқ, биз қардош Тожикистоннинг бу тангликдан чиқишига ишонамиз.

Ўзбекистон раҳбари Тожикистондаги вазият ҳақида фикр билдирар экан, экстремизмдан воз кечиш, муроса йўлини излаш, БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар кўмагида тинчлик ва барқарорликка эришиш сиёсий тангликдан чиқишнинг бирдан-бир йўли эканини таъкидлади. Элчининг фаолиятига омад, қардош тожик халқига тинчлик ва бахт-саодат тилади.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

21 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоят кенгаши депутатлари, Самарқанд вилоятидан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларга баҳо берди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. П. Абдураҳмонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири вазифасида ишлаб келаётган А. Мардиевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Ў. Исмоилов қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам дўстлар!

Самарқанд — беқиёс қудрати, бой тарих ва бетакрор маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган қадимий макон. Қўҳна Туроннинг улуғ анъаналари, жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим даврлари бевосита шу замин билан боғлиқ. Чиндан ҳам, Самарқанд дунё тараққиётининг бешикларидан биридир. Буни Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият вакили алоҳида таъкидламоқда ва тан олмоқда.

Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналари кўп асрлар олдин шаклланганидан далолат беради. Улуғ Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сиёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис келгуси йили ЮНЕСКО қарори билан буюк бобомизнинг 660 йиллик тўйини бутун жаҳон нишонлайди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Биз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйдик. Бутунлай янги тарихий шароитларда миллий давлатчилигимизнинг асосини яратдик. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашмоқда.

Дунё сиёсатдонлари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини маъқулламоқдалар. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар. Биз бутунлай янги, ўз миллий анъаналаримизга хос бўлган, халқимиз турмуш тарзи ва урф-одатларига тўғри келадиган, айни пайтда жаҳон андозаларига мос баркамол жамият қуриш тамойилларини ишлаб чиқдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-юбилей сессияси Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва янги имкониятларини яна бир бор намоён этди. Биз бу сессияда жаҳон сиёсатида бурилиш бўладиган таклифларимизни ўртага ташладик. Бу таклифлар сизларга матбуот орқали таниш.

Куни кеча якунланган Германия Федератив Республикасига сафаримиз эса Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар мамлакати эканлиги, дунёнинг ҳар қандай давлати билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга қодирлигини кўрсатди.

Бунга яна қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, яқинда Жаҳон банки раҳбари Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, ривожланиш тамойиллари ва халқимизнинг турмуш тарзи билан танишди ва тажрибамизни ижобий баҳолади.

Шу кунларда дунёнинг обрўли сармоядорлари, энг ривожланган мамлакатларнинг таниқли ишбилармонлари ва иқтисод билан боғлиқ бўлган қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари Ўзбекистон билан қизиқишмоқда. Бу мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганидан, **унинг ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк эканлигидан далолат беради.**

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон жаҳон давлатчилиги анъаналари, халқаро сиёсат ва дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини инсонпарварлик ғоялари билан бойитиш борасида ўзига хос йўлдан бормоқда.

Мамлакатлараро, минтақалараро, қитъалараро муносабатларни юксак сиёсий маданият, шарқона ахлоқ-одоб ва олий даражадаги тафаккур мезонларига таянган музокаралар йўли билан ҳал этиш каби принципиал таклифлар билан чиқмоқда. Дунё муаммоларини ечиш ва ер юзида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда энг замонавий усулларни қўллаш — ҳар қандай чигал масалаларни юзма-юз мулоқот ва фикр алмашиш йўли билан ҳал этиш каби ғоят инсонпарвар тамойилларнинг амал қилишини таклиф этмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини, нуфузини, қўлаверса, халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятларга таянганлигини кўрсатади.

Энди келажакка қатъий ишонч билан қараб мавжуд имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш кераклигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ўз навба-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. МАРДИЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12 банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Алишер Мардиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

П. М. АБДУРАҲМОНОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пўлат Мажидович Абдураҳмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. МАРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Мардиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ УЧРАШУВ

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов шу йил 23 ноябрь куни Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бинамир Муҳанд Аҳлини унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида парламентлараро алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

«ДЕ ЛЯ РЮ» ТОШКЕНТДА

Республика пойтахтидаги «Юнусобод» спорт комплексида 23 ноябрь куни Британиянинг таниқли «Де Ля Рю» корпорацияси кўргазмаси очилди ва шу корпорация билан таништириш маросими бўлди. Корпорация ўз маҳсулотлари намуналарини — турли банк ускуналари, мебел, кўриклаш ва ҳавфсизлик тизимини олиб келган. Маросим республика банкларини илғор технология воситалари билан жиҳозлаётган «Амати» фирмаси ташаббуси билан ўтказилди.

Корпорациянинг кўргазмага қўйилган маҳсулотлари республика банклари ходимларида катта қизиқиш уйғотди. «Де Ля Рю» вакиллари қоғоз пул ва тангаларни саралайдиган ва санайдиган аппаратларни намойиш қилишмоқда.

Корпорация фаолияти билан таништириш ва кўргазмани очиш маросимида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хей иштирок этди. У давлатларимиз халқлари амалий ҳамкорлиги ва бир-бирига яқинлашуви учун бу тадбирнинг аҳамияти катталигини таъкидлади.

(ЎзА).

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йилга обуна давом этмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент кутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 64672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МЕҲР КЎЗДА ДЕЙДИЛАР

Маълумки, куни кеча Тошкентдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиёдаги қардош халқлар вакилларининг қурултойи бўлиб ўтди. Бу катта анжуман қатнашчилари бир-бирлари билан фикр алмашиш билан бирга республика меҳнаткашлари, ишчилари, деҳқон ва соҳибкорлари билан учрашдилар. Хусусан, Қозоғистон Республикаси вакиллари вилоятимизнинг Тошкент туманида бўлдилар. Айниқса, республикамиздагина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам машҳур бўлган Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мулоқот самимий ва мароқли ўтди. Бу, табиий, албатта. Чунки шу куни асрлар давомида қардош бўлиб кетган икки оғаини халқ вакиллари учрашдилар.

Меҳмонларни вилоят ҳокими муовини Ҳ. Асадов ва Тошкент тумани ҳокими Р. Акбаров табриклади-лар. Меҳмонлар дастлаб институт иссиқхонасида бўлдилар. Ўзбек олимлари ва деҳқонлари етиштирган, илгари фақат субтропик мамлакатлардагина ўстириладиган лимон, апельсин, мандарин навлари уларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, бундай тансиқ ноз-неъматлар эндиликда саҳоватли ўзбек заминида ҳам кўплаб етиштирилмоқда. Улардан мўл ҳосил олинмоқда, дастурхонимиз кўрки бўлмоқда. Шу туфайли қозоғистонлик қардошлар академик Маҳмуд Мирзаев бошчилик қилаётган институт олимлари, деҳқон ва соҳибкорлари иши билан танишиб, бой таассурот олганликларини айтдилар.

— Биз Тошкентда бўлганлигимиз ва катта анжуманда иштирок этганлигимиздан ғоят мамнунмиз, — деди қозоғистонлик машҳур филолог, академик Р. Бердибоев. — қурултойда халқларимиз маданияти, адабиёти ва санъати, илм-фанни ривожлантириш борасида жуда кўп фойдали фикрлар билдирилди. Ҳақиқатан биз бундан буён ҳам тез-тез учрашиб, ўзаро тажриба алмашиб туришимиз керак, бу умум ишимизга фақат фойда келтиради.

Қозоғистон делегациясининг бошқа аъзолари ҳам шундай фикрларни билдирдилар.

Меҳр кўзда дейдилар. Бундай қурултой ва учрашувлар Марказий Осиё республикалари ўртасида фан, маданият, адабиёт, санъат соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишдагина эмас, халқларимизни бир-бирларига яқинлаштиришда, минтақада тинчлик-осойишталикни сақлашда катта роль ўйнаши шубҳасиздир.

О. ҚОРИЕВ,

СУРАТДА: учрашув пайти. Даврон АҲМАД олган суратлар.

БРЕЗЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

ПАХТА тозалаш саноати корхоналарида брезент кўплаб ишлатилиши ҳаммага маълум. Биргина «оқ олтин» бунтларининг устига ёпиш ва шу йўл билан хом ашёнинг қишли-қировли кунларда ҳам сифати бузилмаслигини таъминлаш учун ундан юзларча минг квадрат метр ҳажмида керак бўлади. Кейинги йилларда брезент камёб бўлиб қолди. Уни четдан олиб келиш камайди. Бунинг учун катта маблағ сарфланмоқда. Эҳтиёж эса ортиб бормоқда.

Шуни ҳисобга олиб, бундай зарур маҳсулотни вилоятимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун Янгийўл пахта тозалаш заводида махсус цех қуришга қарор қилинди. Заводнинг пахта тозалаш-қуритиш цехи ишга мослаштириладиган бўлди. Унинг асбоб-ускуналари бошқа бўлинмаларга кўчириб ўрнатилди.

Брезент ишлаб чиқарувчи қўшма корхона Чехословакия фирмаларининг бири билан бирга ташкил этилади. Шу кунларда янги ишлаб чиқариш қувватини барпо этиш юзасидан тайёргарлик ишлари бошланиш арафасида. У фойдаланишга топширилгач, пахта тозалаш саноатинигина эмас, айни вақтда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам ҳар йили кўплаб брезент етказиб берилади.

М. МАҲМУДОВ.

«ГЎЗАЛ»НИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Шу кунларда маданият масканларида фаолият кўрсатаётган ижодий жамоалар ҳам ўзларининг ранг-баранг концерт томошалари билан санъат мухлисларини хушнуд этмоқдалар.

Пискент туман маданият уйининг «Гўзал» ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси Муҳиддин Давронов сценарийси асосида Ҳабибулла Бобохонов саҳнага олиб чиққан «Қушиқларда ҳаётнинг завқи» деб номланган мусиқий дастур билан туман маданият саройларида, мактаб саҳналарида, қишлоқ клубларида меҳмонда бўла бошладилар. Бугунги кунлар шукуҳи, меҳнат ва ижод завқи уфуриб турган концерт дастурлари жойларда катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Айниқса, қизлар рақс дастаси томонидан тақдим этилаётган мафтункор рақслар концерт дастурига файз бағишлаган.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Вилоятимизда Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси шаҳар ва туман кенгашларининг таъсис конференциялари бўлиб ўтди.

Миллий тикланиш демократик партияси Ўртачирчиқ тумани кенгаши раислигига Фурқат Абдужабборов, Бўка тумани кенгаши раислигига Эргаш Йўлдошев, Бекобод шаҳар кенгаши раислигига Толибжон Раҳмоновлар сайландилар.

Бўлиб ўтган конференцияларда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, профессор К. Норматов иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, инфляция суръатларини пасайтириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сингари кенг миқёсли муаммоларни ҳал қилишни талаб этади.

Биз бугун айни шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишларга баҳо бермоқчимиз. Негаки, Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Бу вилоят халқ хўжалигининг тараққиёти бевосита бутун мамлакат равнақига кучли таъсир этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Самарқанд вилоятида сўнгги йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Чунончи, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиётнинг кўп қиррали шакллари пайдо бўлмоқда, кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Вилоятда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун бинолар қурилиши, ободонлаштириш ишлари сезиларли даражада амалга оширилябти.

Вилоят ҳаётида эришилган ютуқлар ва меҳнат натижалари, албатта, мавжуд. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Лекин бугунги учрашувимизнинг мақсади йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабаблари ва илдизлари ҳақида, мутасадди раҳбар ва ходимларнинг масъулияти ҳақида бўлиши керак. Нимага деганда, кейинги йиллар давомида Самарқанд вилояти ҳаётида анча ташвишли ҳолатлар ва воқеалар содир бўлмоқда. Бунга эътибор бермаслик, лоқайдлик билан қараш мумкин эмас.

Бугунги Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларида мавжуд бўлган вазиятни, иқтисод, унинг тармоқларининг ривожланишини холисона таҳлил қилганда, кўпгина жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганини кўриш мумкин.

Кўп соҳаларда, кадрлар, раҳбарлар фаолиятида талабчанлик кескин пасайиши, хўжакўрсинчилик ҳолатлари кўзга ташланади.

Бугунги энг долзарб масала — ислоҳотларнинг бориши, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши қониқарли эмас.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида 74 фоиз корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилган. Қишлоқ хўжалигида 1,9 минг деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналар сони 3 мингга етди. Лекин шунга қарамасдан, ислоҳотларни амалга ошириш ишларида сусткашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Ташкил этилган 323 ҳиссадорлик жамиятидан фақат 37 ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотган, бу эса бор-йўғи акциядорларнинг 11,5 фоизини ташкил этади. Бу республика миқёсида энг паст кўрсаткичдир. Республика фонд биржасида акцияларни сотиш масалалари умуман вилоят раҳбарларининг назаридан четда қолиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 10 ойида 9 фоизни ташкил қилади, холос.

Ургут, Пастдарғом, Нарпай, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон туманларида акцияларни биржаларда сотиш ташкил этилмаган ва бу борада раҳбарларнинг саъй-ҳаракати сезилмаяпти. Бугунги кунда 42 ҳиссадорлик жамияти очиқ турга айлантирилмаган.

«Ким ошди» савдосига қўйилган кўчмас мулк, ер участкалари сотилиши масаласига Каттақўрғон шаҳри (Б. Зокиров), Нарпай (С. Бобомуродов), Пастдарғом (Ш. Эсонов), Пахтачи (Ч. Норбўтаев), Қўшработ (М. Қўшбоев) туманлари ҳокимликлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда.

Чорва фермаларини хусусийлаштиришда, деҳқон хўжаликларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ўз таъсирини кўрсатмасдан четда қолишган. Янги мулкдорлар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай ҳужжатга эга эмаслар. Ташкил қилинган кўп ташкилотлар назоратсизлик оқибатида ўз фаолияти жараёнида дастурий йўналишини ўзгартириб, оддий тижорат-фирма дўконларига айланиб қоляпти.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган 92 қўшма корхонанинг ярмидан кўпи мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Иқтисод ривожида йўл қўйилган оксоқлик, авваламбор, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тараққиётида кўзга ташланмоқда.

Вилоятда 1994 йилнинг шу давридагига қараганда ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этмоқда: саноат маҳсулоти **81,5 фоиз**, халқ истеъмоли моллари **77,5 фоизни** ташкил қилди. Вилоятнинг **152** корхонасидан **101** таси ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган, улардан **30** корхона 1994 йилнинг 9 ойидагига қараганда икки баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

Гўшт ишлаб чиқариш **27 фоизга**, сут маҳсулотлари — **52**, қандолатчилик — **69**, ип газламалар — **70,** шойи — **36**, трикотаж буюмлари — **45** фоизга камайиб кетди. Ишлаб чиқарилган **723 млн. сўмлик маҳсулот** сотилмасдан турибди.

Сўнгги йиллар мобайнида капитал қурилиш соҳасида сезиларли даражада ижобий ўзгариш йўқ. **Мактабларнинг ишга туширилиши ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган. 1995 йил мобайнида вилоят бўйича ўзлаштирилган капитал маблағларнинг атиги — 1-2 фоизи соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳасидаги қурилиш ишларига сарфланган.**

Капитал маблағларни ўзлаштириш Булунғур, Қўшработ, Жомбой, Пойариқ туманларида икки баробар камайиб кетган. Вилоятда якка тартибда уй-жой қурилиши учун қарз сўраб мурожаат қилган **9 минг фуқародан 1 минг 700 кишига 19,1 млн. сўмлик маблағ берилган, холос.**

Ҳурматли биродарлар!

Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишнинг муҳим бўғинидир. Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда бу соҳада кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳатто айрим мутахассисларнинг фикрича, ана шу икки йил ичида бажарилган ишлар кўлами яқин ўтмишимиздаги 15-20 йиллик иш ҳажмидан ортиқроқдир. Бу гапларда жон бор. Ташкилот ва муассасаларга эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлигида улар ўз маблағлари ҳисобига водопровод ва табиий газ шохобчаларини кенгайтирмоқдалар. Ташаббускорлик, уддабурронлик ўз самарасини бермоқда.

Бироқ Самарқандда бу борада амалга оширилаётган ишлар ачинарли аҳволда.

Вилоятнинг 30 фоизга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Умуман олганда, вилоят аҳолисининг 73 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда, лекин **қишлоқ ҳудудларида газлаштириш фақат 63 фоизни ташкил этади.** Шунга қарамасдан вилоят раҳбарияти жорий йилда газ ва сув таъминоти ишларини суст олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда вилоятдаги 2060 қишлоқнинг 43 фоизи табиий газ ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. Қўшработ, Гўзалкент, Иштихон ва Оқдарё туманларида табиий газ таъминоти вилоятдагига нисбатан 4-5 марта камдир.

Вилоятдаги **экологик аҳвол** йил сайин ёмонлашиб бормоқда, очиқ сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланмоқда, ахлатни қайта ишлаш заводи кўп йиллардан бери ишга туширилган эмас. Вилоят мутасадди раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бераётганлари йўқ.

Молия, банк тизимини такомиллаштириш борасида, республика миқёсида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин вилоятнинг молия масалаларини таҳлил қилганда йўл қўйилаётган тартибсизликлар йилдан-йилга авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади.

Шу йилнинг 9 ойида назоратафтиш бош бошқармаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молия-хўжалик **фаолиятлари бўйича 586 марта тафтиш ва текширишлар ўтказилди.**

Аниқланган зарар 1994 йилнинг шу даврига нисбатан 15 баравар ёки 10,1 млн. сўмга ортган, шундан **262** та ташкилотларда **3,6 млн. сўмлик** камомад ва ўғирлик содир этилган. Бу эса ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 8,6 мартага кўп.

Масалан, Каттақўрғондаги Улуғбек номли «Ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сотишда тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли моддий жавобгар шахс Н. Тожиев 17,8 тонна ёки 464 минг сўмлик ёғ камомадига йўл қўйган.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича муомалага қўшимча **1,2 млрд. сўм** жалб этилган. Вилоятда **эмиссия миқдори 5,6 фоиз қилиб белгиланган ҳолда Нуробод, Гўзалкент, Иштихон, Челак ва Пойариқ туманларида бу кўрсаткич 60-90 фоизни ташкил қилади.** Умуман вилоятда эса эмиссия миқдори 29 фоизни ташкил қилади, бу республиканинг ўртача кўрсаткичидан 7,9 фоиз юқори даражада қайд этилган.

Касса тартибини бузиш, маблағларни ноаниқ йўналишда ишлатиш вилоятда оддий ҳолга айланган. Шу турдаги ноқонуний операциялар натижасида шаҳар ва туманларда 25 млн. сўмлик маблағ ноўрин сарфланишига йўл қўйилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг умумий дебитор қарзлари 4,1 млрд. сўм, кредитор қарзлари 3,9 млрд. сўм бўлиб, унинг пасайиш даражаси сезилмаяпти. Уз ишини ижобий томонга ўзгартирмаган 15 корхона ва ташкилот касодга учраши кутилмоқда. Шунингдек, «Ўзбексавдо» уюшмасига қарашли 5 та ташкилот тамомила касодга учради.

Банк тизимидан унумли фойдаланиш, олинган қарзларни вақтида қайтариш, ташкилотларнинг бир-бири билан ҳисобкитоб қилиши, корхоналарнинг молиявий аҳволидан хабардор бўлиш каби долзарб масалаларга вилоят ҳокимияти томонидан эътибор берилмаган.

Хусусий ва тижорат тузилмалари вилоят марказий банкининг инкассация аппарати билан шартномалар тузмаганликлари учун савдодан тушадиган накд пулларни банк кассаларига тўлиқ топширмаяптилар. Натижада, аҳолига иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида беришда кўп муаммолар туғилмоқда. **Шу йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори 281 миллион сўмни ташкил этади.**

Мулк эгалари давлат солиқлари ҳақидаги қонунни бемалол бузиб, ўғрилик, талон-торожликка йўл қўймоқдалар. Вилоятда бугунги кунда 14 солиқ туридан 5 тури бўйича режа бажарилмаган.

1994 йилда 5319 та ташкилот ва юридик шахслар текширилган, шундан 1694 тасида солиқ қонунлари бузилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят бўйича 4300 текширишдан 734 тасида солиқ қонунлари кўпол равишда бузилгани аниқланди. Бу корхоналардан бюджетга 43,5 млн. сўм қўшимча кирим қилинди. 191 та тафтиш ҳужжатлари маъмурий органларга тергов учун жўнатилди.

Албатта, назоратни кучайтириш, молиявий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу масаланинг бир томонигина, холос. Агар банк тизимидан унумли фойдаланиш зарур бўлса, олдин қонунбузарликка йўл қўймаслик йўлларини излашимиз, қонунга ҳурмат билан қараш ва унга қатъий амал қилиш каби маънавий-ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Агар ҳар бир киши ўз жойида, ўз хизмати доирасида қонунга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига, меҳнатга муносабатнинг ахлоқ нормаларига айлантира олсагина ортиқча назоратга ҳожат қолмайди.

Сиз, азиз дўстлар, шу залда ўтирганларнинг ҳар бири қайсидир муҳим участканинг раҳбарисиз. Бу гаплар энг аввало сизларга, ундан кейин эса сизлар орқали барча хизматчиларга тегишли.

Энди маиший хизмат соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида икки оғиз сўз. Айниқса, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида ташкил этилмаган. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш, маданий-маиший асбоб-ускуналарни, кир ювиш, мебелларни таъмирлаш, кимёвий тозалаш, ижарага бериш бўйича маиший хизмат турлари кескин камайди. Вилоят «Маишийхизмат» уюшмаси республика тармоқ корхоналари орасида охирги ўринлардан бирида турибди.

Кимёвий тозалаш хизмати Булунғур, Гўзалкент, Пойариқ, Каттақўрғон, Қўшработ туманларида умуман ташкил қилинмаган. Кир ювиш, бичиш-тикиш, прокат хизмати мавжуд туманларнинг ярмида умуман фаолият кўрсатаётгани йўқ. Қишлоқларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг умумий аҳволи таҳлил қилинганда, Жомбой туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг 5 та қишлоғида ҳаммом, музлатгич, телевизор, радио таъмирлаш устахоналари йўқлиги аниқланди.

Челак, Пойариқ, Оқдарё туманларининг аксарият қишлоқларида ҳатто сартарошхоналар ҳам йўқ. Бу ана шу туманларда турмуш маданиятининг нақадар ночорлигидан ва ҳатто аянчли эканлигидан далолат бермайдими?

Сартарошхона қурилиши ё қайсидир пойабзал таъмирлайдиган, бичиш-тикиш шохобчаларини қуриш ишига мамлакат Президенти аралишиши керакми?

Булар учун жавобгар шахслар ана шу залда ўтиришибди. Туман ҳокимлари учун шу аччиқ дашномларни эшитиш ёқимлими?

1995 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш жон бошига 300 сўмни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан 32 фоиз камдир.

Вилоятда аҳоли сони ҳар йили 40-50 минг кишига кўпаяётган бир даврда аҳолини ижтимоий фойдали иш билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Иш сўраб мурожаат қилувчилар кўпаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 12,3 минг нафар ёрдам сўраганларнинг 50 фоизидан ортиғининг талаби қондирилмади.

Вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳолини иш билан банд қилиш масаласи асосий муаммо бўлганлигига қарамасдан, 2060 қишлоқнинг 1248 тасида, яъни 61 фоизида кичик корхоналар ҳанузгача ташкил қилинмаган.

Узоқ-узоқ қишлоқларда яшовчи деҳқон бузилиб қолган телевизорини ёки музлатгичини отаравага юклаб туман марказидан уста топа олмай шаҳарга қатнаши керакми?

Агар шаҳарда — вилоят марказида ҳам маиший хизмат ана шундай аҳволда бўлса-чи? Унда қаёққа борсин?

Пул эмиссияси хусусида кўп гапирамиз. Пулли хизмат соҳасини кенгайтириш — эмиссиянинг олдини олишнинг муҳим йўлларидан бири. Бунинг учун ҳар бир қишлоқда, ҳар бир аҳоли яшайдиган манзилда радио-телевизор тузатадиган, электр асбобларини таъмирлайдиган устахоналар қуриш керак. Одамлар бир кўча нарига ўтмасданоқ бутун эҳтиёжини қондирадиган, беминнат хизматдан фойдаланадиган бўлсин.

Нега бизнинг қишлоқларимизда суратхоналар йўқ? Кир ювиш ва тозалаш муассасаларини ташкил этиш қийинми?

Ҳамма гап хўжалик ва ташкилот раҳбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлашга иштиёқмандлигида.

Раҳбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эпчил бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда боқимандаликка, ўзиўбўларчиликка қўникиб кетган, эскича иш қолипидан чиқолмаётган раҳбарлар ишлаётганидан далолат беради.

Ахир минг кишилик жамоадан ўнта йигит-қизни маиший хизматнинг турли соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш шунчалик қийинми?

Тегишли асбоб-ускуналарни келтириб, қулайроқ жойда ўрнатиш катта ақл ёки меҳнат талаб қиладиган иш эмас-ку? Аҳолига хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётига янги мазмун бериш, кайфияти ва руҳиятини кўтариш мумкин. Айни пайтда у жамият умумий маданий қиёфасини ҳам белгилайди.

Яна бир масалага — алоқа хизматига диққатингизни тортмоқчиман. Жуда кўп туманларда бу масалага умуман эътибор берилмайди. Телефонлари унча-мунча мавжуд бўлган жойларда ҳам одамларнинг узоғини яқин қилиш ўрнига кўпроқ асабини ишдан чиқаришдан бошқа нарсага ярамайди. Умуман олганда, ҳар бир хонадон телефон хизматидан баҳраманд бўлмоғи керак. Бу ҳам пулли хизматнинг бир тури.

Халқимиз меҳнаткаш, меҳнатга ижодий ёндошадиган, тадбиркор ва бунёдкор халқ. Унга имконият керак, холос.

Бу — масаланинг биринчи томони. **Иккинчи томони — ҳуқуқий кафолат.** Айни пайтда мамлакатимизда ана шу иккинчи жиҳатнинг асоси яратилган. Меҳнат қиламан, ишлайман, интиламан, бунёд этаман деган кишига ҳар томонлама ҳуқуқий кафолат берилган.

Бироқ кўп жойларда аҳоли турли расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига дуч келмоқда. Таъмагирлар, назари паст кимсалар **«Сендан угина, мендан бугина» қабилида иш тутиб, одамларнинг ташаббусларини бўғишмоқда.**

Демак, юқорида айтганимиздек, масаланинг биринчи томони — маънавий-ташкилий жиҳатлари маҳаллий ҳокимият органлари доирасида оқсаб қолмоқда.

Лекин бошқа соҳаларга нисбатан, вилоятда энг ачинарли аҳвол — барчамизни боқадиган, халқимизнинг ризқ-рўзини берадиган қишлоқ хўжалиги тармоқларида. **Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари сўнгги уч йил ичида сурункасига бажарилмади.**

Шу давр мобайнида пахта етиштириш ва сотиш **110 минг тоннага камайди.** Вилоятда пахта тайёрлаш режаси бу йил ҳам уддаланмади. Пахта етиштирувчи 11 тумандан атиги 4 таси йиллик режани бажарди.

Пахтачиликдаги бундай орқага кетишларнинг асосий сабаблари **қишлоқ хўжалиги вилоят раҳбарлари учун бамисоли бир ўғай соҳага айланиб қолгани**, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларида ташкилотчилик, тадбиркорлик савиясининг пастлиги билан изоҳланади.

Вилоят, туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари республикада ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини тўғри англаб етмай, бу ишга ўта масъулиятсиз муносабатда бўлмоқдалар.

1993—1994 йиллардаги режанинг барбод бўлишига қарамай, бу йил ҳам мўлжалланган мақсадга эришиш учун **90 минг тонна дон кам етиштирилди. Гектар бошига белгиланган 19,4 центнер ўрнига 15,9 центнер ҳосил олинди.**

Суғориладиган ердан олинган ҳосил Челак, Булунғур, Гўзалкент туманларида 24—27 центнердан, лалми ерлардан Каттақўрғон ва Пахтачида 4,4, Қўшработ ва Пойарикда 4,9, Нурободда 5,6 центнердан ошмади. Бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Шу билан бирга вилоят ҳокимининг шахсан назоратсизлиги туфайли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси (директори Р. Аҳмедов) томонидан хўжаликлар билан давлат режасидан ошиқча қабул қилинадиган дон учун эркин нархда сотиб олиш бўйича шартнома атиги 3,3 минг тоннага тузилган. **Топшириққа нисбатан давлатга ғалла сотиш 80 фоизга бажарилди.**

Ғалла йиғим-терими даврида маъмурий орган ходимлари томонидан 101 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 25 таси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Иштихон тумани «Меҳнат — роҳат» жамоа хўжалигидаги деҳқон хўжалиги бошлиғи С. Отаҳонов 16,3 тонна донни ўғирлаётганда қўлга тушди. Ҳозирги пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бу вилоят раҳбарларининг ва ғалла йиғим-теримига жавобгар бўлган шахсларнинг масъулиятсизлиги, лоқайд ва келишувчилиги оқибати эмасми?

Шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун ким масъул? **Нима учун биз енгил-елпи йўллар қидирамиз? Қачон ҳақиқатга тик қарашга ўрганамиз?**

Ўтган йили 1992 йилга нисбатан 126 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,7 минг тонна картошка кам тайёрланди.

Вилоятда чорвачилик соҳаси салмоқли ўринни эгаллаб турганлигига қарамасдан бу муҳим тармоқ ҳамон оқсаб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, **биринчидан,** хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни бозор муносабатлари даражасида олиб борилмаётганлиги бўлса, **иккинчидан**, чорва молларининг талаб даражасида озиқлантирилмаётганлиги, наслчилик ишларининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, зоотехник ва ветеринария хизматларининг мутлақо талабга жавоб бермаётганлиги оқибатида моллар бош сони ва уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетган. Халқ истеъмоли учун асосий маҳсулот гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари аввалги йилларда эришилган кўрсаткичлардан ҳам пасайиб кетган.

Вилоят агросаноат мажмуига (А. Қаландаров) қарашли хўжаликларнинг асосий қисми оғир иқтисодий аҳволда бўлиб, ҳозирги кунда дебитор қарзлари 1,9 миллиард сўмни, кредитор қарзлари 1,6 миллиард сўмни ва банкдан ссуда қарзлари эса 520 миллион сўмни ташкил этади.

Белгиланган режалар бажарилмаганда бундай инқирозга тушиш табиийдир. Бундай ҳолатлар ҳақида, уларнинг сабаб-илдизлари ҳақида кўп гапирамиз. Мулк эгасини топмагунча, ерга ҳақиқий эгалик ҳуқуқи қўлга киритилмагунча кўзланган мақсадга етиб бўлмаслиги ҳақида кўп гапирамиз.

Нима, Самарқандда ўрганишга арзигулик, эргашса бўладиган тажрибалар йўқми? Мисол учун Самарқанд туманида амалга оширилаётган ишлар, халқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида тўпланган тажрибалар ўрганилса бўлмайдими?

Туман ҳокими (Р. Ҳакимова) ўз атрофида эпчил ва ҳозиржавоб кадрларни тўплагани, ташкилот ва хўжалик раҳбарлигига ҳар томонлама етук, ислоҳотлар моҳиятини тушунадиган одамларни танлаб қўйгани учун ҳам бу ерда ўрнак бўларли ишлар амалга оширилябти.

Вилоят деҳқонларининг ўзига хос деҳқончилик анъаналари, асрлар давомида шакланган тажрибалари ва ўз иқлим шароитидан келиб чиққан деҳқончилик мактаби мавжуд. Қани бу тажрибалар? Бу улуғ ва муқаддас мактаб сабоқлари қаерда қолди? Нега биз уларни унутишимиз керак? Биздаги масъуллик, фидойилик, эртаги кун олдидаги жавобгарлик ҳислари қаерда қолди?

Ҳурматли вилоят ноиблари ва фаоллари!

Республика ҳукумати ва давлатимиз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш сиёсатини ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи қилиб қўяётган бир пайтда, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Сурункасига бир неча йил давомида ўткир ичак касаллиги, вирусли гепатит, тиф ва паратиф каби юқумли касалликлар мамлакат кўрсаткичларидан ҳам 2-3 марта ортиқдир.

Вилоятдаги 20 ёшгача бўлган оналарнинг туғиш давридаги ўлими республикада энг юқори даражада туради. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган, натижада оналар ўлими республика кўрсаткичидан ҳам 15 фоиз юқори туради.

Чақалоқлар ўлимининг 70 фоизидан зиёди ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида содир бўлган. Сил ва рак касалликлари даволаш ҳеч қандай натижа бермайдиган ҳолга келиб қолгандагина аниқланмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника аҳволи ташвишли ҳолда. Тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёж қондирилмаган, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли қатор ускуналардан фойдаланилмаяпти. Вилоятда мавжуд **1091** қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-доялик пунктларининг 34 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган, уларнинг атиги 7 фоизи махсус замонавий биноларга жойлаштирилган, 78 фоизида телефон алоқаси йўқ. Бу эса беморларни даволашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш борасидаги давлатимиз юритаётган сиёсатни амалга оширишга вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари (Ж. Эшқобилов) жиддий эътиборни қаратмаяптилар. Нима деганда раҳбарларнинг аксарияти ана шу туманлар марказларида яшайди-да. Шунинг учун, эҳтимолки, олис қишлоқлардаги аҳоли соғлиғи учун ҳам жон куйдирмайди, уларнинг ташвишига бефарқ қарайди.

Мактаб, халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли эмас. Кўплаб аниқ фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Мактаблар таъмирлашга муҳтож, моддий — техника базаси жиддий эътиборни талаб қилади.

Ҳозирда вилоят бўйича 51 та мактаб авария ҳолатида, 30 фоиз мактаблар мослаштирилмаган биноларга жойлашган. **Вилоят бўйича 9 ойда халқ таълими учун ажратилган бюджет маблағларидан 136 миллион сўм сарфланмай қолди.**

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг бепарволиги, ўз ишига масъулият билан қарамаганлиги, ҳамон эскича иш услубидан чиқа олмаётганлиги, халқ таълими тизимини бошқаришдаги янгиликларни сингдира олмаётганлиги ва амалиётга тадбиқ эта олмаётганлиги сабабли бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаган. Шу аҳволда мазкур соҳада бундан кейин ҳам бирон ижобий ўзгариш бўлишига ишониш қийин.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари рўкач қилиниб, вилоятда кейинги йилларда 100 дан ортиқ болалар боғчалари ёпилган. Шу туфайли болаларни мактабгача тарбия муассасаларига тортиш 30 фоиздан 22 фоизга тушган.

Ҳукуматимиз фан, маърифат ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда. Ўтиш даврининг энг қийин ва мураккаб пайтида ҳам давлат маорифни такомиллаштириш, билимли ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳеч нарсани аямаяпти.

Ахир, ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан қураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади?

Бугунги катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладими-йўқми?

Нега биз қарийб бир ярим асрлик мустамлакачиликдан озод бўлганимизда шундай улуғ ва мўътабар Ватанимизни асраб оладиган, уни ҳимоя қила биладиган ва шу олижаноб анъаналарни давом эттиришга қодир бўлган авлодни тарбиялашга шароит яратмас эканмиз?

Ватан ҳисси, ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим. Бизнинг барчамиз, ана шу залда ўтирган ҳар биримиз ота эканлигимизни, она эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шоншуҳрати муқаддас орзу-ҳавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини рўкач қилиш — ношуд ва ноқобил раҳбарнинг иши. Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қониқарсизлигини баҳонапараст раҳбарлар ҳеч нарса билан оқлолмайдилар.

Қадрли дўстлар!

Мустақил мамлакатимизнинг халқимиз миллий маданиятини ривожлантириш борасида юритаётган сиёсатини амалга ошириш, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини халқ онгига сингдириш, инсонни давр талаби асосида тарбиялаш борасида вилоятда етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Вилоятда маънавий, ахлоқий қадриятларга эътиборсизлик, умуман маданиятнинг иккинчи даражали соҳага айланиб қолаётганлиги сезилмоқда.

Гарчи Самарқанд илмий-маърифий салоҳияти бўйича ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг сони жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирида турса-да, **ёшларга таълим-тарбия бериш, миллий мафкурани тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда.** Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган.

Ҳозирги кунда вилоятда мавжуд 2060 қишлоқнинг 80 фоизида маданият ўчоқлари умуман йўқ. Гарчи вилоят газетаси саҳифаларида маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда бир мунча тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ислоҳотларимизга тўсқинлик қилувчиларни, Президент фармонларини бажаришда сусткашлик қилувчиларни фош этувчи материаллар деярли учрамайди.

Газетхонларнинг ариза ва шикоятлари ҳақидаги акс садо йўқ даражада. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қилган мақолаларга етарлича ўрин ажратилмаяпти.

Самарқанд радиоси ва телевидениесида бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янада чуқурлаштириш ҳақида, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида етарли ахборотлар берилмаяпти. Вилоят телевидениесида берилаётган кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар **мазмунан ҳамда сиёсий жиҳатдан саёз**, шошма-шошарлик билан эскича услубда тайёрланмоқда. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ ҳисоби. Аксинча, телевидение кўпроқ чет эл видеофильмларини намойиш қилиш билан чегараланиб қолмоқда.

Вилоятда физкультура ва спорт ишлари вилоят ҳокимлиги ва бу соҳага мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 1995 йилга келиб физкультура жамоалари сони 70 тага камайиб кетган. Спорт заллари, сузиш бассейнлари, спорт майдончалари сони республика кўрсаткичларидан ўртача 2 марта камдир.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаётганлиги оқибатида вилоят бўйича ашаддий безорилик, гиёҳвандлик, ўғирлик, порахўрлик, таъмагирлик, номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Республика бўйича оғир жиноятчилик турлари 6 фоизга камайгани ҳолда Самарқанд вилоятида 8 фоизга кўпайган. Айниқса, ўқотар қуроллардан фойдаланиш каби жиноятлар 130 фоизга ошганлиги ҳам оператив вазиятнинг мураккаблашганини кўрсатади.

Вилоятда ташкил қилинган рэкет ва террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими умуман қониқарсиз аҳволда ишламоқда. Вақоланки, бундай жиноятларга бошқарув тизимида ҳамда ички ишлар органларида ишлаётган амалдорлар ва бошлиқлар қўл урмоқдалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят ички ишлар ходимларининг бевосита иштирокида 1994 йилда 34 та жиноят содир этилган, шу жумладан 22 та ҳолат айблов хулосалари билан тугалланиб, судларнинг қоралов ҳукмлари чиққан.

1995 йилнинг 9 ойи давомида милиция ходимларига нисбатан 17 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилган.

Булар босқинчилик, номусга тажовуз қилиш, фирибгарлик, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, наркотик моддаларни экиш, ташиш ва сотиш каби жиноятлардир.

Масалан, Самарқанд шаҳрида милиция ходими бўлиб ишлаётган Аҳмад Файков ва Шуҳрат Насриддинов фуқаро А. Яҳъёевнинг уйига босқинч

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Жаҳон ҳафта ичида

ЖАҲОНДАГИ кўпгина оммавий ахборот воситалари ер курасининг турли минтақаларидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятларга, «оловли нуқталар»даги қуролли тўқнашувларга, айрим мамлакатлардаги муҳолиф кучлар ўртасида рўй бераётган жангу-жадалларга, террорчилик хуружларига, зилзила каби табиий офатларга ўтган ҳафтада алоҳида эътибор қаратдилар. Парламент ва президент сайловлари, тузилган янги ҳукуматлар, ҳар хил инқирозли ҳолатлар, вужудга келган қалтис муаммолар тўғрисидаги хабарлар тезкор ёритилмоқда. Мана, уларнинг айримлари...

«ЭНГ КАТТА КЕМА»ЛАР

ХАЛҚ орасида «Катта кема қаёққа қараб юрса, кичиклари ҳам шу томонга юради» деган гап бор. Шу боис давлат бошлиқлари — президентлارни, ҳукумат раҳбарлари — бош вазирларни «катта кема»га қиёс қиладилар. Зотан, чиндан ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ҳозири ва келажаги, осойишталик барқарорлиги, халқ турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истиқбол ва тараққиёт масалалари кўп жиҳатдан баайни биринчи шахслар — давлат бошлиғига ва ҳукумат етакчисига боғлиқдир.

Польша Оврупо қитъасининг марказида жойлашган, жуғрофий аҳамиятга молик мамлакатлардан биридир. Ҳар бир асрнинг турли даврларида у ўзига хос роль ўйнаб келган. Ўтган ҳафтада мазкур давлат тарихида яна бир диққатга сазовор воқеа содир бўлди. Маълумки, бу ерда 5 ноябрда президентлик сайловлари бўлиб ўтган эди. Унда Польша давлатининг ҳозирги бошлиғи Лех Валенса ҳамда Демократик Сўл Кучлар иттифоқи раҳбари Александр Квасьневскийлар иккинчи босқичда беллашадиган бўлишганди.

Сиёсий шарҳчилар, социолог тадқиқотчилар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари бир овоздан — хойнахой Лех Валенсанинг қўли баланд келса керагов, деган қатъий қарорга келиб қўйган эдилар. Бироқ, Уяздовский ғўшасида жойлашган бинода хушхабар кутаётган Л. Валенса тарафдорларининг қувончи узоққа чўзилмади. 19 ноябрь куни белгиланган вақтда бутун Польша бўйлаб сайлов участкалари ёпилди.

Буни қарангки, кўп ўтмай тун ярмида ДСКИ раиси қароргоҳи жойлашган собиқ партия мактабининг улкан залида шоду-хуррамлик бошланиб кетди. Душанба тонготарида ҳамма нарса равшанлашди. 49 вилоятнинг 30 тасида А. Квасьневский ютиб чиққанлиги маълум бўлди. Унинг учун 51,72 фоиз, Л. Валенса учун 48,34 фоиз овоз берилибди. Жами аҳолининг 69 фоизга яқини сайловларда иштирок этди. Якуний натижалар 20 ноябрь куни ойдинлашди. Лекин, барибир улар ҳеч нарсани ўзгартира олгани йўқ.

Шундай қилиб, Польша янги президентига эга бўлди. Навқирон, — 45 яшар А. Квасьневский мамлакатни қандай манзиллар сари бошлаб боради? Буни келажак кўрсатади.

Ўтган ҳафтада Жазоирда ҳам президент сайловлари бўлиб ўтди. Тарихда биринчи марта эркин овоз бериш муҳитида ўтган бу умумхалқ маросимида Ламин Зеруал ғалаба қозонди. У аҳолининг 68 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

Куни кеча Исроил кнессети (парламенти) Шимон Перес бошлиқ ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади. И. Барук Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллади. Ушбу ҳукумат бўлажак сайловларгача тахминан бир йилча фаолият кўрсатади.

АЖАЛ ЕТМАСА...

МИСР Араб Республикасида сиёсий ва ижтимоий аҳвол унча дуруст эмас. Жаҳон ахборот маҳкамалари бу фикрни тез-тез такрорламоқдалар. «Ал-жамоа ал-Исломия», «Мусулмон биродарлар» каби ўта динпараст гуруҳлар мамлакатнинг ҳозирги раҳбарияти билан том маънода қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Йирик ёзувчи, нобель мукофоти совриндори Нажиб Махфуз ва Миср Президенти Х. Муборак ҳаётига қилинган муваффақиятсиз суиқасдлар катта шов-шувларга сабаб бўлди. Орада 900 га яқин бегуноҳ одамлар бу дунёдан кўз юмди.

Утган якшанба куни Исломободда яна бир нохуш воқеа юз берди. Мисрнинг Покистондаги элчихонаси олдида ўта кучли бомба портлади. Элчихона биносининг ярми йўқ қилинди. Харобалар тагидан 15 кишининг улиги топилди. 60 одам касалхоналарга етқизилди. Хайрият, элчи Муҳаммад Жамолга зарар етмади. У ўша пайтда узининг бошқа қароргоҳида бўлган экан.

РОССИЯ Федерацияси, Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда муҳолиф томонлар вакиллари иштирокида тузилган Чеченистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги шартномадан кейин ҳам бу ерда осойишталик қарор топмади. Битимнинг моддалари бажарилмади. Отишмалар, бир-бирларини уққа тутишлар давом этаверди. Россия Президенти махсус вакили О. Лобов, Россия бирлашган қўшинларининг бош қўмондони А. Романовларга суиқасдлар уюштирилди. Охир оқибат Доку Завгаев Чеченистон ҳукуматининг янги бошлиғи этиб тайинланди. Барибир кундан-кун баттар бўлди...

20 ноябрда республика ҳукумати бошлиғи тушган ва уни кузатиб бораётган машиналар карвони Маяковский ва Б. Хмельницкий кўчалари кесишган чорраҳадан ўтиб бораётганида жуда қаттиқ портлаш юз берди. Бу пайтда эрталабки соат 8.30 эди.

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш органларининг айтишича, масофадан туриб бошқариладиган «ажал машинаси» ишга солинган. Тўз-насибаси узилмаган экан, бахти юришиб, Д. Завгаев омон қолди. Арзимас азият чекканлигини ҳисобга олмаганда у енгил жароҳатланди. Лекин, унинг соқчилари ва сафдошларидан бир неча киши яраланди.

Россия томони суиқасдда Ж. Дудаев жангариларини айблади. Дудаевчилар буни дарҳол рад этдилар. Хўш, ундай бўлса, бундай террорчилик ҳаракатларининг тегирмонига ким сув қуймоқда. Сулх тузиш ва тинчлик ўрнатиш душманларими? Ёхуд бегона кучларми? Музокараларда Дудаев томонидан қатнашган эксперт гуруҳининг аъзоси Р. Чимаевнинг «Чеченистонда бўлиб ўтган барча воқеалардан сўнг жамоатчилик республиканинг яна Россия таркибида бўлишлиги тўғрисидаги фикрни ҳазм қила олмайди. Бунга чақирган ҳар бир сиёсатчи халқ газабига учраши шубҳасиздир» — деганини қандай тушунмоқ керак.

Суиқасддан кейин ўзига келган Д. Завгаев чоршанба куни Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди. Бу орада эса Чеченистондаги турли уюшмалар ва оқимлар бўлажак сайловлар олдидан давлат бошлиғи номзодлигига Д.Завгаев, Р. Ҳасбулатов ва яна бир неча кишининг номларини кўрсатдилар.

КИМ? НИМА? ҚАЕРДА?

● Америка Қўшма Штатларининг Дейтон шаҳридаги ҳарбий ҳаво кучлари қароргоҳида Боснияда тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Сербия, Хорватия, Босния мусулмонлари раҳбарлари мазкур битимга қол қўйдилар.

● МУРУРУА атолласида Франция навбатдаги атом бомбасини синаш мақсадларида портлатди. Унинг кучи 40 килотонна деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Янги Зелландия, Австралия, Япония, Жанубий Корея ҳукуматлари қатъий норозилик билдирдилар. Лекин, Франция келаси йилнинг май ойигача яна бир неча бор бомба портлатиш режасидан қайтгани йўқ.

● АФҒОНИСТОНДА муҳолиф кучлар ўртасидаги жанг ҳаракатлари гоҳ сусайиб, гоҳ авжига чиқмоқда. Ўтган куни «Толибон» қўшинлари мамлакат пойтахти Қобулга яна ҳужум уюштирдилар. Президент Б. Раббоний қўшинлари ҳужумни даф этдилар.

● ГРУЗИЯда тугатилган «Мхедриони» гуруҳи раҳбари Жаба Иоселиани 15 ноябрда ҳибсга олинган ва шахсан Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Ш. Квирая иштирокида алоҳида тергов хонасига олиб борилган эди. Лекин, ўтган хафтада Марказий сайлов комиссияси ҳибсга олиш қонунга хилоф эканлигини ва парламент аъзолигига номзод Ж. Иоселианини дарҳол озод этишни талаб қилди. Бироқ, республика прокуратурасининг қатор далилларидан сўнг «Мхедриони» раҳбари қамоқхонада қоладиган бўлди.

● ГРЕЦИЯДА қаттиқ тартибдаги хибсхоналардан бирида маҳбуслар исёни беш кун давом этди. У ўтган ҳафтада бостирилди.

● ИТАЛИЯНИНГ Пиза шаҳри ҳудудида кучли зилзила содир бўлди. Мазкур ер силкиниши натижасида жаҳонга машҳур Пиза минораси тебранишга тебранди-ю, лекин, йиқилиб тушмади.

● АҚШдаги Массачусет олийгоҳининг олимлари — Ж. Раццо ва Ж. Уайт қуриш қобилиятини йўқотган кишиларга мўлжалланган «Электрон кўз»ни кашф этдилар.

● «СОТБИ» кимошди кампаниясининг Женевадаги булинмаси 26,3 карат ҳажмдаги мовий рангли ўта ноёб бриллиантни савдога қўйишга қарор қилди. Унинг тахминий нархи 16 миллион доллар деб белгиланди.

(Оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди).

Суратда: Эроннинг Исфахон шаҳридаги гўзал Хожи кўприги.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Футбол

«ПОЛИТОТДЕЛ» ЭНГ ИНТИЗОМЛИ ЖАМОА

1995 йилги Узбекистон футбол чемпионати якунланиб, голиб жамоалар, энг яхши кўрсаткичга эришган футболчилар, мураббийлар ва уйингоҳларни тақдирлаш мақсадида таъсис этилган турли соврин эгалари аниқланди.

Тошкент вилоятининг «Политотдел» футболчилари ана шу совринлардан бири — «Энг интизомли жамоа» мукофотига сазовор бўлдилар. Политотделчилар мавсум уйинларида бошқа жамоаларга нисбатан энг кам огоҳлантирилиб, майдондан четлаштирилганлик учун энг кам жарима очкосини олдилар.

Мамлакат чемпиони «Нефтчи» футболчилари олтин медаллар билан бирга «Энг сермаҳсул жамоа», «Энг яхши тўплар нисбати», «Ғалабага бўлган иродаси учун», «Дастлабки довон» совринларини ҳам қўлга киритдилар.

Моҳир тўпурар баҳсида «Навбаҳор» ҳужумчиси Олег Шацких соврин эгаси бўлди. Наманганлик бу футболчи мавсум давомида 26 та тўп киритди. У уч жамоа дарвозасини бир учрашувда уч мартадан ишғол қилганлиги учун «Ҳужум қироли» соврини билан ҳам тақдирланадиган бўлди. Армиячи Ойбек Усмонхўжаев 22 та, пахтакорчи Равшан Бозоров билан Дилмурод Назаров 17 тадан тўп киритдилар.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси «Совриндорлардан ҳайиқмай», «Тараққиёт кубоги» деб аталган совринларга муносиб кўрилди.

Дарвозабонлар ичида энг ишончли ўйин кўрсатиб, 729 дақиқа ўз дарвозаси даҳлсизлигини сақлаган «Нурафшон» қўриқчиси Александр Тинянов ҳам махсус соврин билан тақдирланади. Шуниси эътиборга лойиқки, у ўтган йили ҳам шу мукофотни олганди.

Уйинларига энг кўп муҳлислар келган команда сифатида «Навбаҳор» ҳар йили ажралиб турипти. Шу сабабли у «Севимли жамоа» совринини сурункасига учинчи йил қўлга киритмоқда. Бу йилги мавсумда навбаҳорчилар уйинини кўриш учун 1 миллион 337 минг 450 томошабин стадионга келган. (Бир учрашувга ўртача 10 минг 273 томошабин тўғри келади).

Марказий ҳарбий спорт клуби футболчилари ҳам бир қанча соврин эгаси бўлдилар. Улар тўққиз учрашувда рақибларидан катта устунликда ғалабага эришганликлари учун «Йирик ҳисоб билан» совринини, сафар учрашувларида энг яхши қатнашганликлари учун «Муросасиз меҳмон» совринларини оладилар.

«Йилнинг энг яхши футболчиси» соврини кимга тегиши яқин кунларда журналистлар сўрови ўтказилгандан сўнг маълум бўлади.

АНГЛИЯГА КИМЛАР БОРАДИ?

Келгуси йил июнь ойида Англияда Оврупо чемпионати мусобақалари ўтади. Ҳозир бу мусобақада қатнашадиган 15 финалчи маълум. Улар саралаш уйинларида голиб бўлган Руминия, Испания, Швейцария, Хорватия, Чехия, Португалия, Олмония, Россия, Франция, Дания, Туркия, Италия, Болгария, Шотландия командалари ва мезбонлар — Англия футболчиларидир. Ун олтинчи қатнашчи Голландия — Ирландия ўртасида 13 декабрда Ливерпулда ўтадиган уйинда аниқланади.

БМТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишлаб футбол марафони ўтказишга қарор қилинди. Энг оммавий ана шу тадбир 9 декабрь соат 15 дан 10 декабрь соат 15 га қадар ўтказилади. Бу тадбирда халқаро футбол уюшмасига аъзо бўлган 191 та мамлакат қатнашади. Халқаро ҳамжамият юбилейига бағишлаб ўтказилаётган ана шу марафонга Узбекистонда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ташкилотчилар марафон куни 10 та давлат футболини ойнаи жаҳон орқали бутун дунёга намойиш этишни режалаштиришган. Норвегияда бошланадиган футбол уйинлари ер юзининг ғарбий йўналишлари бўйича узлуксиз давом этиб, Францияда якун топади. Шу куни профессионал жамоалар билан бирга фахрийлар, аёллар, болалар ва қизлар мусобақалари ҳам ўтади.

ҲАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

7.00 «Ҳафтанома».
7.30 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
11.50 — 13.00 «Қўшиғимдасан, Ватан!». Телевизион танлов тақдимаси.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳаёт». «Нурли манзил остонаси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт». «Кафтимдаги сайёра». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Ҳаёт». «Олам гўзал мунавварликда». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 «Обид — А» театри намойиш этади.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Деҳқон ҳиммати». Паркент туманидан кўрсатув.
19.45 «Тошкентнома».
20.45 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
22.15 — 22.45 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мовий ҳалқа бўйлаб». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 «Қуёш шуъласи остида». Телефильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.10 Видео — «О».

СЕШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Абдулла Қаҳҳор».
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Нурли сиймолар». Кинокўрсатув.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Томоша». Фильм-концерт.
12.30 — 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Сарви гулрў келмади». Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
23.35 Эстрада тароналари.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гребешок». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дилар» (қозоқ тилида).
20.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.35 — 23.35 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 29

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Унутма мени». Киноконцерт.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Фахрийлар — фахримиз».
10.55 «Алифбо сабоқлари».
11.25 «Ким топди?» Телеўйин.
12.20 — 13.50 «Доктор Жекил ва мистер Хайданинг ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хазинамиз таянчи». Иқтисодий кўрсатув.
18.40 «Санъат олами». Кулол Маҳмуд Мамажонов.
19.15 «Фаровон турмуш учун». Тошкент шаҳрини газлаштириш ҳақида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Спорт хабарномаси.
20.15 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳар беларвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
22.00 Санъат усталари ижросида концерт.
22.55 Ўйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий» асарининг яратилиши ҳақида.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга қўнғироқ».
19.20 «Оқ соя».
19.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.15 «Тошкент оқшомида».
21.15 — 22.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Витим соҳиллари», «Тоғ наволари». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Дунё табиати».

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Ишбилармон». Телеочерк.
11.30 «Куз жилолари». Кинодастур.
12.10 Ўзбек куйларидан концерт.
12.40—14.40 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Бухоро шаҳар маҳалла болаларининг телемусобақаси.
19.05 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.35 «Юзма-юз». Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги регионал директори Мунаввар Олгун билан мулоқот.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Олтин мерос». Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев.
22.10 Мусиқий дақиқалар.
22.20 Ўзбек киносининг 85 йиллигига. Бадиий фильм.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 «Тушимда кўрсам эди». Нодира ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 «Кинонигоҳ».
22.15— 22.45 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Матолар жилоси». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 Телеочерк.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Тадбиркорлик мактаби».
20.20 «Безнен мирас» (татар тилида).
21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 Л. Якубовичнинг «Мўъжизалар майдони» Тошкентда (2-кўрсатув).
22.45 — 23.30 «Туризм-ревю».

ЖУМА, 1

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Бадиий фильм.
10.35 М. Ҳазратқулов. «Меҳр кўп кўргаздим». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 Немис тили.
12.30 — 13.00 «Талабалар саҳнасида».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 2-қисм.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
20.35 «Билиб қўйган яхши». Аёллар учун махсус дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Маърифатнома».
21.55 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.05 «Рақс санъати усталари». Нарзиддин Шерматов.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 Спорт кўрсатувлари.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.45 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.15 «Юлдузлар жилоси». Ҳинд киносининг актёри Санжив Кумар.
20.50 — 22.20 «Келгинди». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Овоз». Телефильм.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Шарқ ёдгорликлари». Телефильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.05 «Компьютер-Осиё».
21.25 Видео янгиликлари.
21.45 «Теле-ателье-шоу».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

ШАНБА, 2

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Хотира». Уста Олим Комилов.
10.30 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
11.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.30 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Содиқов.
12.15 «Оила».
12.45 «Муҳаббатимни куйлайман». Мусиқий кўрсатув.
13.15 — 14.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.05 Шарқ дурдоналари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Имкон чўққилари». Гиннесснинг рекордлар оламида.
20.20 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 «Оҳанглар оғушида».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Юлдузли онлар».
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Видеогид».
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ- ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Коллекция».
19.50 «Кичик дебют».
20.20 «Пульс». Хабарлар.
20.35 «Менинг кўчам».
20.50 «Рок - сеанс».
21.25 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.00 «Тошкент, Хлебушкинага».
22.20— 23.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Семурғ — бахт қуши», «Кузги лавҳалар». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.20 «Куз навоси». Бадиий телефильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Вариацияли мавзу».
10.30 «Болаликнинг беғубор салтанати». Кинокўрсатув.
11.15 «Ер қазир». Телефильм.
11.35 «Булоқлар кўз очганда».
11.55 — 12.20 Болалар учун. «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт.
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Монитор «Осиё». Тележурнал.
21.05 «Ширу шакар».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Чинсэн».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 3

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳоялимиздаги стадион».
11.20 «Осиё овози». Халқаро қўшиқчилик танлови.
12.10 «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
13.25— 14.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 «Эртаклар — яхшиликка етаклар...»
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тимсол» видеоканали.
22.45 «Ўз тақдирини излаган одам». Бадиий фильм.
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.35 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.05 «Кинонигоҳ».
13.45 — 14.15 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
***
17.00 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео— «О».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
20.00 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.10 «Постфактум».
20.20 «Автосалон».
20.40 Видео янгиликлари.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Даракчи».
21.25 Эълонлар.
21.30— 23.15 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25 — 22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун дастхат». Алла Пугачева.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Жонли сайёра».
10.50 «Дарвоқе...»
11.20 «Хонадонингизга осойишталик».
12.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
14.00 — 14.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
* * *
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Шоҳсупа сари». Халқаро ногиронлар кунига.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Ташриф»лар ва таклифлар».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 — 22.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

Инсон одоби билан гўзал

Мавзуни ёзувчи, журналист Мақсуд ҚОРИЕВ олиб боради.

ДОНИШМАНД ОТАНИ ЭСЛАБ...

ШОРАСУЛ ЗУННУН. Бу олижаноб, камтар алломани республикамизда ҳамма танир, икромлар эди. Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унутилади, дерди донишманд аллома. Ҳақиқатан ҳам олим билиб айтган экан, унинг битган, йиғган оқилона сўз дурдоналари ўлмас маданий мерос бўлиб қолди.

Мени Шорасул отага хурмат-эҳтиромим беқиёс эди. Устоз деб қўл берган эдим унга. Газетада ишлаган кезларимда тез-тез келиб турар, ахлоқ-одоб, инсонийлик хусусида ёзиб келган мазмундор мақолалари, бадиий ҳикоялари билан газетхонларни манзур этарди. Мен «Сўғд ўғлони» тарихий романим устида ишлаётган кезларимда диёримиздаги қадимги халқларнинг урф-одатлари хусусида Шорасул отанинг кўп суҳбатларидан бахраманд бўлганман.

Ёдимда, отадан қадимий одатлардан бири бўлган зикри Само хусусида сўраб қолдим. Ўшанда халқларимизнинг бу урф-одати ҳақида кўп қизиқ маълумотлар айтиб, хонамда зикр тушиш усулларини ўзлари кўрсатиб берган эдилар.

Ҳа, қадим-қадим замонлардан бери давом этиб келаётган бу одат бизнинг элимизда ҳам кенг тарқалган.

«Зикри само» инсон ички туғёнларининг, дард-аламларининг бир кўриниши деса хато бўлмас. Зикр тушган одам ўз жисмоний ҳаракатлари, қалбдан отилиб чиқадиган ҳаяжонлари билан гўё бутун дунё ғам-ғуссаларини унутиб, юрагини бўшатиб, енгиллашиб олади, — дер эдилар устод.

Зикр тушганда бир томонга оёқ билан депсиниш «як-зарб», иккинчи томонга «ду зарб», учинчи, яъни орқага ўгирилиб туриб депсиниш «се зарб» ва ниҳоят тепиниб туриб самога қараб «ҳў» дейиш «чор-зарб» деб аталган.

Ҳурматли устозимиз Шорасул ота бир куни менга ўша «Зикри само»да айтиладиган халқ термаларининг шеърларини ҳам олиб келиб бердилар. Ўша термаларни «Суғд ўғлони»нинг иккинчи нашрига киритганман.

Тоғларда туман ўйнасаё,
Остида арслон инграсаё,
Аждаҳо илон сачрасаё,
Қўрқмаган одамни кўр само!

Илиқ сув билан ювсаларе,
Ёқасиз тўр кийдирсаларе,
Эгасиз отга миндирсаларе,
Минмаган одамни кўринг!

Ёқутдек сарой солсаларе,
Дурлардан устун қурсаларе,
«Меҳмон киринг» деб айтсаларе,
Кирмаган одамни кўринге..!

Мазкур мисралар инсон хаётининг қисқалиги, вақти-соати келгач, барчанинг кетиши албатта лозим бўлган мангулик ҳақида халқ донишмандлигининг ифодасидир. Бу халқ донишмандлигининг ўлмас мисралари, одамларга уёқ-буёққа қараб оёғингни узат, амал, мол-дунё бевафо, ҳаёт чоғингда қўлингдан келса одамларга яхшилик қил, фиски-фужур гаплардан холи бўл, меҳр-шафқатни ҳаётнинг мазмуни деб бил, деган инсонпарварлик ғояларини сингдиради. Ҳа, вақти соати келиб «меҳмон киринг» деб айтсалар, ким ўша, ёқут саройга кирмайди!

Яхшилик қилинг, инсонлар. Тирикликда бир-бирларингизни ҳурматикром этинглар. Буни азиз, муҳтарам, донишманд бобо Шорасул ота Зуннунов айтган эдилар.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

ЭНГ яқин, вафодор дўст... Ака-укангдан ҳам сен учун қадрдон ва азиз. Яхши, ёмон кунларингда ёнингда туриб, қайғу-аламни ҳам, шодлигингни ҳам баҳам кўрадиган қадрдон дўстлар озмунчами? Мактабдошинг, талабалик йилларидан орттирган дўстларинг, айниқса, қадрдонлашиб кетади. Биз Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идаги Шопур, «Меҳробдан чаён»даги Анварнинг қадрдон дўсти Насимнинг сиймосида ҳақиқий ўртоқлик намунасини кўрамиз.

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Дўст яқинми ёки ака?

— Донишманд жавоб берибди:

— Агар аканг дўст бўлса, дўстинг ака бўлса, — дебди.

Ёшликда кўнгил кўнгилга мос тушиб, умр бўйи дўст бўлиб қолган қадрдонларга ҳавас қилмасдан бўлмас. Бошингга оғир бир ташвиш тушди. Шунда қадрдон дўстинг худди ака-укангдек ёнингда кеча-кундуз туриб, ғам-аламингни бирга тортади, кўнглингни кўтаради. Ана шундай оғир дамларда ҳар қандай киши ҳам ана шундай дардманд, меҳрибон кишига муҳтож бўлади.

Бир дўстим бевақт оламдан кўз юмди. Унинг бир қадрдон мактабдош дўсти бўларди. Ўзини анча тутиб олган, эътиборли киши эди. Ўртоғи вафот этгандан сўнг шу оиладан узилиб кетмади. Вақти-вақти билан ўртоғининг бола-чақаларидан хабар олиб турди. Ўғил-қизларига ўқишга киришга қўлидан келганча ёрдам берди. Бундай оқибатли ўртоқлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, албатта.

Ҳаёт жуда мураккаб. Баъзан омадинг кетиб, мушкул аҳволга тушиб қолганингда, энг яқин, ишонган дўстинг ўзгариб қолади. Амалга, бойликка, манфаат йўлида дўст тутинганлар ҳам бўлади. Бирор каттароқ мансаб эгаси бўлганингда ёнингдан кетмайдиган ошналар амалдан кетган кунинганоқ сени тарк этади.

Бир куни дўстлар даврасида ўтирганимизда кимдир «Фалончи катта лавозимга ўтибди» деб қолди. Шунда ўртоқлардан бири «Энди ишимиз юришадиган бўлибди-да» деди.

Олдингда сени мақтаб, орқангдан тош отадиган, кўзингга чўп ташлайдиган оғайнилар ҳам бўлади. Тўғри, ҳамма дўстларингдан камчилик топиб, бирор ножўя иш қилиб қўйса, қадрдонингдан воз кечиб кетиш ҳам адолатдан эмас. ШУ муносабат билан донишманд бобокалонларимиз: «Ҳар ким айбсиз дўст қидирса, дўстсиз қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди» деб насиҳат қилганлар.

Яхши дўстларни ардоқлаш керак, янгисини топиб олиб, эски қадрдонларни тарк этиш — ноўрин ишдир. Айниқса, ёшинг бир жойга бориб қолганда, янги дўст ахтариб юриш, эски қадрдонларингни унутиб юбориш, эътиборсизлик қилиш яхшиликка олиб келмайди.

Олтин орттирма, дўст орттир, дейилади халқ мақолларида. Дўстинг қанча кўп, содиқ бўлса, юкинг ерда қолмайди, ҳар ишда, ҳаётда сенга у қўлдош, йўлдош, мададкор бўлади. «Дўст билан обод уйинг» дейилади қўшиқда. Чиндан ҳам ҳақиқий дўстинг ёнингда бўлса, умр нашидаси пурмаъно касб этади.

Комилжон ОРИПОВ,
меҳнат фахрийси.

●Келин келди ёр-ёр.
Александр АБАЛЯН сурат-лавҳаси.

● ШОРАСУЛ ЗУННУН ҲИКОЯТЛАРИ ●

САҲОВАТ

БИР мурувватли, саҳий одамнинг жуда кўп дон-дунлари бор эди. Ўша йили баҳорда озиқ-овқат танқислиги бошланди. Одамлар ҳатто ейишга нон ҳам топа олмай қолдилар. Халқнинг оғир аҳволига ачинган саҳий одам ҳамма дон-дунларини бева-бечораларга, камбағалларга улаша бошлади. Танглик борган сари кучайгач, ўзи ҳам ўша муҳтожлар қаторига тушиб қолди.

Шунда баъзи кишилар уни маломат қилишди:

— Қизиқ одам экансан, ўзинг муҳтожликка тушиб қолишингни билатуриб, нега донларингни улашиб юбординг?

Саҳий киши деди:

— Халқ оч бўлатуриб, мен роҳатда яшасам, инсофсизлик бўлур. Очлик азобини халқ билан баробар тортишни, халқ қайғусига иштирок этишни виждоним буюрди. Мен виждоним амрига итоат этдим.

БАҲИЛНИНГ БОҒИ КЎКАРМАС

БИР одам хотини билан маза қилиб қовурилган товуқ еб ўтирган эди. Шу чоғда бир гадой келиб, садақа сўради. Уй эгаси эшикни шартта ёпиб, гадойни қувиб юборди.

Шундан унча кўп ўтмай, ҳалиги баҳил одамнинг омади кетиб, ишлари юришмай қолди, муҳтожликка йўлиқди. Хотини ҳам ундан чиқиб, бошқа одамга эрга тегди.

Бир куни хотини янги эри билан қовурилган товуқ еб ўтирган эди, бир ночор одам эшик қоқиб, ейишга бирор нарса беринглар, деб илтижо қилди. Эри нон устига қовурилган товуқ гўшти қўйиб гадойга олиб чиқиб бер, деб хотинига тутқазди.

Хотини ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча қайтиб кирди. Эри ҳайрон бўлди, аммо хотини ҳеч нарса демади.

Гадой — аёлнинг илгариги эри эди...

● Кўҳна тарих саҳифалари

Шарқ оламининг маънавий дунёси беқиёс ва ранго-рангдир. Қадим-қадимлардан мерос бўлиб қолган бадиий асарлар, ёдномалар, кундаликларда киши ақлини пешлайдиган, зукко, ақл-фаросатли бўлишга, инсонийлик, олижанобликка йўлловчи бебаҳо тафаккур мероси — хазинаси мавжуд. Бу хазина мафкурамиз, ғоямиз учун тамал тоши бўлади, десак хато бўлмас.

АҚЛ МУЛОҚОТИ

Қуйидаги савол-жавоблларга бир эътибор қилинг, у сизларга жуда таниш, ўқигансиз, кўргансиз, тинглагансиз.

Мана, ўша савол-жавоблар:

— Қандай қилиб ақлли бўлиш мумкин?

— Донолар билан суҳбатда.

— Жангчи учун энг қимматли нарса нима?

— Қурол.

— Ер ҳайдовчи учун энг зарур нарса нима?

— Ёмғир.

— Уруғ сепувчига-чи?

— Уруғ.

— Нима осмондан ҳам юқори?

— Ота.

— Нима шамолдан ҳам тез учади?

— Фикр.

— Нима кўзини юммасдан ухлайди?

— Балиқ.

— Нима туғилгандан кейин қимирламайди?

— Тухум.

— Совуқдан кишини нима сақлайди?

— Олов.

— Отанинг жони-дили нима бўлиши мумкин?

— Ўғил.

— Энг яқин дўст ким?

— Хотин.

— Энг яхши бойлик нима?

— Билим.

— Олам нима билан қуршалган?

— Зулмат билан.

— Чин маънодаги осойишталик деб нимани тушунса бўлади?

— Кўнгил осойишталигини.

— Қанақа касал давосиз?

— Очкўзлик.

Ушбу парча оламга машҳур ҳинд эпоси «Маҳобҳорат»дан олингандир. Сиз республика телевидениеси орқали кўп серияли бу бадиий фильмни кўргансиз. Эсингизда бўлса, қўлдан сув ичиш учун борган ака-укалар дунёдан кўз юмадилар. Шунда донишманд паҳлавон Ютҳиштҳра укаларини излаб кўл бўйига борганда ўрмон девига дуч келади. Шунда дев: «агар менинг саволларимга аниқ ва тўғри жавоб берсанг, укаларингни тирилтириб бераман» дейди.

Бу афсонавий лавҳа ҳақиқатга йўлловчи фикрларнинг чархлануви, донишлар сабоғи десак хато бўлмас. Ҳақиқатан ҳам «Маҳобҳорат» ақлидрок жамланган хазиналар китобидир.

ҲИКМАТЛАР

● Қалб бошдан кўра ҳам тўғри ҳукм беради.
● Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра, сукут қилиш доноликдир.
● Файласуф ҳақиқатга ошиқ кишидир, шунга кўра ҳар бир ҳақиқат талаб одам файласуфдир.
● Сўз дорига ўхшайди, ортиқчаси зарар келтиради.
● Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот йўли тўғриликдадир.
● Уятдан қизарган юз қора қалбдан яхшидир.
● Яхши ном билан ўлган киши, ёмон ном олиб, тирик юрган кишидан афзалдир.

● Гаройиб топилма

ЎЗГА САЙЁРАЛИК МАВЖУДОТ

Австралияга тушган жуда катта метеорит асримизнинг энг буюк илмий кашфиётларидан бири деб тан олинди. Чунки у инсониятни азалдан бери ўйлантириб келган муҳим бир жумбоқни ҳал этиб берди. Самодан тушган ана шу метеоритни ёриб кўришганда бошқа сайёраларда ҳам ҳаёт мавжудлигини сўзсиз исботлайдиган далил бўлди. Метеоритнинг ичида ўзга сайёраликнинг танаси бор экан.

Текширишлар шуни кўрсатадики, сайёраликнинг танаси бундан қарийб 300 йил муқаддам мўмиёланиб қўйилган ва само юзасида миллионлаб миля йўл босган. Метеорит ичидаги мавжудот инсон қиёфасини ўзида акс эттиради. У жисмоний жиҳатдан жуда бақувват, соғлом, рак, юрак касалликларидан ҳоли. Метеоритнинг тоши вулқондан келиб чиққанлиги маълум бўлди.

«Тайная власть» газетасининг 1995 йил 9 сонида журналист Ольга Филатова ана шулар ҳақида ёзган. Газетада метеорит орасидаги ўзга сайёраликнинг сурати (ўнгда) ҳам берилган.

● Жиззахдан мактуб

«ОЛАМ МУНАВВАРДИР ОҚИБАТ ИЛА»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 21 октябрь сонида «Олам мунаввардир оқибат ила...» махсус саҳифаси эълон қилинган ва унда одамларни меҳр-мурувватли бўлишга ундовчи, айни пайтда баҳс-мунозарага чорловчи туркум материаллар босилган эди. Ушбу саҳифа материаллари муштарийлар томонидан қизиқиш билан қутиб олинди. Бу ҳақда таҳририятимизга телефон қўнғироқлари ва мактублар орқали фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Куни кеча Жиззах вилоятидан таҳририятга шошилинч телеграмма келди. «Тошкент ҳақиқати»нинг вилоятимиздан ташқаридаги ўқувчилари — «Дўстлик» дон маҳсулотлари корхонаси жамоаси (директори С. Саидраҳмонов) саҳифадаги материалларни, шу жумладан «Тўхтанг, сизга гапим бор» мақоласини ўқиб, ёлғиз яшаётган онахонга моддий ёрдам беришга қарор қилибдилар.

Саҳоватингизга минг раҳмат, жиззахлик дончилар, жонқуяр муштарийлар! Сизнинг бу мурувватингиз эзгулик йўлини тутган кўплаб кишиларимизга ибрат бўлгусидир.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАСИ.

● Қадимий одат, анъаналар

ГЎЗАЛЛИКДАН ВОЗ КЕЧИБ...

Бизга қадар етиб келган маълумотларга қараганда Каспий денгизи бўйларида истиқомат қилган амазонкалиқ аёллар жангу-жадалда эркаклар билан бап-баровар жанг қилишган. От чоптиришда, қиличбозликда, найза санчишда, камон отишда маҳорат кўрсатишган.

Ўша давр расм-русумлари ва замон тақозоси билан қилич, найза ишлатишда, камон отишда халақит бермаслиги учун ёшлик чоғларидаёқ ўнг томондаги кўкракларини қуйдирганлар. Бу фидойи аёллар ўз Ватанлари, оилаларини ҳимоя этиш йўлида ўзларидаги гўзалликдан ҳам воз кечганлар.

КУЁВ БИЛАН КЕЛИН КУРАШИ

Сўғдиёна элида ғалати бир одат бўлган. Қадим тарихчиларининг битикларида ёзилганидек, йигит билан қиз агар турмуш қурмоқчи бўлишса, бунинг учун ота-онанинг розилигидан ташқари, муҳим бир шартқоида ҳам бўлган. Одатга кўра, йигит билан қиз турмуш куришга жазм этсалар, бирбирлари билан кураш тушганлар. Агар йигит курашда йиқилса, қиз ўзидан заиф йигитга турмушга чиқмаган. Агар келин енгилса, қиз унга умрбод асира-ёр бўлиб қолган. Бундай одат оиланинг мустаҳкам бўлиши учун бирдан бир асос бўлиб ҳисобланган. Бокира аёл ўзидан кучли ва бақувват эрини ҳеч качон ташлаб кетмаган.

● Билиб қўйган яхши

ИШ ВАҚТИДА, ОДАМЛАР ОРАСИДА

● Аёллар иш столи сумка, тўрхалта, упадон ва бошқа шахсий буюмлар учун мос жой эмас. Уларни кўздан панароқ бошқа жойга қўйиш лозим.

● Эркак киши хизмат пайтида ҳам аёлларга йўл бериб, улар олдида турли «эркакча» гаплардан тийиладилар. Аммо хурмат-эҳтиромнинг барча шакллари асосий нарса — ишнинг боришига халақит бермаслиги керак.

● Агар аёл эркакка унинг иш пайтида мурожаат қилиб қолгудай бўлса, эркак ўрнидан турмай жавоб бериши мумкин.

● Аёл иш пайтида ҳам бошқа вақтлардаги сингари эркакларнинг ғамхўрлиги ва эътиборли бўлишига мухтож эканлигини унутманг.

● Юмуш билан муассасага келган одам эшикни тақиллатиб кириши шарт эмас. Бу иш билан банд кишиларнинг хаёлини бўлиб қўяди. Одатда расмий хонада эшик тақиллатилса рад жавоби ҳам берилмайди.

● Раҳбар ўтирган хонанинг эшиги ҳам тақиллатилмайди. Аммо агар раҳбар ходимларга эшикни тақиллатмай киришни ман этиб қўйган бўлса бунга ҳам амал қилиш лозим.

● Агар раҳбар ўртадаги суҳбатга чек қўйишни истаса, унинг ўрнидан туриши суҳбат тугаганлиги ҳақидаги маънони билдиради.

● Жамоа ўртасида бўлганда бошқаларнинг диди ва хоҳишини ҳам эътиборга олган яхши. Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг одамлар орасида бурни, қулоғи ва тирноғини тозалаб ўтириши, тез-тез соч тараши, тиш кавлаши одат тусига кириб қолган. Бунга уларнинг ўзлари эътибор бермасликлари мумкин, аммо кўпчиликка бундай кўникма эриш туюлади. Шундай пайтда юмшоқлик билан уни огоҳлантириб қўйилса, зарар қилмайди.

ҲАШАРОТЛАРНИ ЮТАДИГАН ҚУРИЛМА

АМЕРИКАЛИК фермерлар мевазорлардаги зараркунанда ҳашаротларни йўқотадиган антиқа асбоб — чангютгич ихтиро қилдилар. Тракторга монтаж қилинган бу чангютгичнинг тўртта «оғзи» бўлиб, улар бирйўла дарахтзорнинг тўрт қаторидаги ҳашаротларни ичига ютиб туради. Усимлик баргидаги ҳашарот соатига эллик километр тезликда кучли ҳаво оқими билан машинанинг вентилятори ичига кириб ўлади.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги
Ўзбек давлат эстрадаси
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29 — 30 ноябрь, 1 — 2 декабрь соат 19.00 да,
3 декабрь соат 14.00 ва 18.00 да
«СИЗНИ СЕВМАСЛИККА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ»
ДОНИЁР ТОШМУҲАМЕДОВ
Ўз янги дастурини тақдим этади
Чипталар «Халқлар дўстлиги» саройининг кассаларида соат 10.00 дан сотилади.
Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 44-56-07, 45-92-51.

ТАШКИЛОТ КАССА АППАРАТЛАРИНИ
(фискаль хотирали, кафолатли)
СОТАДИ
Шунингдек, унда ишлашни ўргатади ва сервис хизмати кўрсатади.
Телефонлар: (3712) 65-06-95, 65-08-24.

«ЗАФАР-ИВЛА»
Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси 20 ноябрдан
ТУГАТИЛДИ
Даъволар 20 декабргача қабул қилинади.
Манзилгоҳ: 700094. Тошкент шаҳри, 2-Ипподром тор кўчаси, 3-уй.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
ОЛОЙ БОЗОРИНИНГ
МАРКАЗИЙ ҚИСМИДАГИ
САВДО МАЖМУИДА
сизнинг тадбиркорлигингиз ва тижоратингизнинг равнақ топиши учун
САВДО ВА ОМБОРХОНА БИНОЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ
ТЕЛЕФОНЛАР:
36-34-34, 33-20-67, 36-14-44.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0493. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 17.00. 1 2 3 4 5 6